

ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД БАНКЛАРДА МУАММОЛИ АКТИВЛАР ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бунёджон Абдусамад ўғли МАҚСУДОВ

катта ўқитувчи

Тошкент молия институти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада давлат улуши мавжуд банкларнинг активлари таркибида муаммоли активлар улушининг борган сари юқорилаб кетаётгани, уларнинг активлари портфели сифатининг ёмонлашуви ҳамда давлат улуши мавжуд банкларда муаммоли активлар ҳолати таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: актив, кредит, муаммоли актив, муаммоли кредит, риск, муддати ўтган қарз.

ПОЛОЖЕНИЕ ПРОБЛЕМНЫХ АКТИВОВ В ГОСБАНКАХ И ПУТИ ИХ СНИЖЕНИЯ

Бунёджон Абдусаматович МАКСУДОВ

старший преподаватель

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется постоянное увеличение доли проблемных активов в активах банков с государственной долей, ухудшение качества их портфеля активов, а также о состоянии проблемных активов банков с государственной долей.

Ключевые слова: актив, кредит, проблемный актив, проблемный кредит, риск, просроченная задолженность

Халқаро амалиётда банк тизимининг бирон-бир вақтда инқирозга дуч келиши ҳолатлари кузатилмоқда. Аммо, “ҳатто инқироз бўлмаган тақдирда ҳам, сўнгги 20 йил ичида кредитларнинг фавқулодда ўсиши, ишламайдиган кредитларнинг (non-performing loans (NPLs)) кўпайишига олиб келди. Бу иқтисодий хавф остига қўйиши мумкин. Муаммо ҳал этилмаса, муаммоли активлар ўсиши, ҳатто критик даражаларга етиб бориши мумкин, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтириши ва ишсизликни кучайтириши мумкин” [5]. Жаҳон банки маълумотларига кўра “муаммоли активлар 2019 йилда Россия Федерациясида 9,3 фоиз, АҚШда 0,9 фоиз,

Туркияда 5 фоиз, Буюк Британияда 1,1 фоиз, Германияда 1,35 фоиз, Хитойда 1,9 фоиз, Қозоғистонда 9,5 фоиз, Украинада 48,4 фоизни ташкил этмоқда” [5]. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, дунёда бугунги кунда банк тизимидаги муаммоли активларни қисқартириш алоҳида аҳамият касб этади ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида муаммоли активларнинг юзага келишини аниқлаш, келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларни қисқартириш йўллари топиш, улар тўғрисида бошқарувга, инвесторларга маълумот беришда муҳим омилларга эътибор бериш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шу билан бирга тижорат банкларида муаммоли активлар билан ишлаш усуллариининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу муаммога концептуал ёндашувларни, шунингдек, тижорат банкларида муаммоли активларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга бағишланган илмий ишлар олиб боришни тақозо этади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 12 майда ўтказилган йиғилишда мамлакатимиз банк тизими активлари таркибида муаммоли кредитларнинг улуши юқорилиги тўғрисида “Соҳалар кесимида саноатда – 3 триллион сўм, савдо ва хизмат кўрсатишда – 2,1 триллион сўм, қишлоқ хўжалигида 1,8 триллион сўм, қурилишда – 978 миллиард сўм, транспорт ва коммуникацияда – 547 миллиард сўмлик муаммоли кредитлар вужудга келган. Худудлар кесимида Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг ҳар бирига қарийб 1 триллион сўмдан муаммоли кредитлар тўғри келмоқда”. деб таъкидлаб ўтганлар.

Тижорат банклари муаммоли активлари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам долзарб ҳисобланади. Шу сабабли муаммоли активлар бўйича бир қанча етакчи олимлар изланишлар олиб борган.

Россиялик иқтисодчи олим, профессор О.И.Лаврушин тижорат банклари активлари таркиби ва уларнинг иқтисодий моҳиятини назарий ва илмий жиҳатдан таҳлил қилган. Хусусан, олимнинг фикрига кўра, банк активлари тўлиқ мулклар ва ҳуқуқлардан иборат бўлиб, улар ўз маблағлари ва жалб

килинган маблағлар ҳисобидан вужудга келган ва улардан актив операцияларида кредит муассасалари фойдаланади, деб таъкидлайди [2].

Фикримизча, профессор О.И.Лаврушин банк активларини шакллантираётганда фақат ўз маблағлари ва мижозларнинг жалб қилинган маблағлари билан чекланган. Ҳозирги пайтда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган давлат дастурлари доирасида берилаётган пул маблағлари ва халқаро бозорлардан жалб қилинаётган ресурслар эътибордан четда қолган.

Яна бир россиялик иқтисодчи олим Л.А.Дудинец муаммоли банк активларига уларнинг қайтишига шубҳа туғдирадиган ёки уларни жойлаштириш ёхуд ишлатишдан иқтисодий фойда олмаслик эҳтимоли бўлган банк активлари сифатида қарайди [1]. Назаримизда, муаллиф қайтмаслик эҳтимоли паст бўлган банк активларида ҳам рискларнинг юқори бўлишини эътибордан четда қолдирган.

Маҳаллий олимлардан яна бири У.А.Тўхтабоев эса муаммоли кредитларга қуйидагича таъриф беради: “Кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижаси бўлиб, объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра кредит шартномаси шартларининг бузилиши оқибатида “субстандарт”, “шубҳали” ҳамда “умидсиз” кредитлар категориясига ўтиб қолган кредитларга муаммоли кредитлар дейилади [3].

Олимнинг бу фикри ўша даврда тўғри бўлганлигига шубҳа йўқ, аммо ҳозирга келиб Ўзбекистон тижорат банклари учун муаммоли кредитлар билан ишлаш тартибини белгиловчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомда муаммоли активлар сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлардир, дея таъриф берилган.

Тижорат банклари муаммоли активларининг ҳолати юзасидан амалга оширилган таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, аynи пайтда айрим тижорат банкларининг кредит портфели таркибида муаммоли

ёки муддати ўтган кредитларнинг улуши жуда юқори бўлиб, бу жараён мамлакатимиз банк тизимида муаммоли активлар салмоғининг ошиб боришига олиб келмоқда. Хусусан, ушбу банкларнинг айримлари давлат иштирокидаги банклар, айримлари бошқа мулкчилик шаклларига асосланган банклар ҳисобланади. Масалан, 2022 йил 1 июнь ҳолатига кредит портфели таркибида муддати ўтган кредитлар муаммоли кредитларнинг улуши “Ўзгагроэкспортбанк”да 90,3 фоизни, “Hi-TECH Bank”да 92,3 фоизни, “Туркистон” банкда 72,6 фоизни, “Ravnaq-bank”да 52,3 фоизни ташкил этган [7].

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг асосий улуши давлат иштирокидаги тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. Албатта, бунинг қатор ўзига хос сабаблари бўлиб, ушбу банклар давлат томонидан бериладиган молиявий ресурсларга боғлиқлиги жуда юқори, шу билан бирга уларнинг кредит портфелининг 60 фоиздан юқориси имтиёзли кредитлар ҳисобланади. Одатда имтиёзли кредитларнинг фоиз ставкалари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 ва 75 фоизидан иборат фоизларда берилган бўлиб, ушбу кредитларнинг асосий олувчилари жисмоний шахслар ҳисобланади, энг муаммоли жиҳати ушбу кредитларни олган шахслар кўп ҳолларда олган кредитидан мақсадли фойдаланмайди, натижада уни қайтариш бўйича зиддиятли ҳолатлар келиб чиқади.

Тижорат банклари муаммоли активлари ошиб кетишининг асосий сабабларидан бири тижорат банкларида рискли активларнинг ҳажми сезиларли даражада ортиб бораётганлиги ҳисобланади. Масалан, 2017-2019 йилларда юқори ликвидли активларнинг улуши, мамлакат банк тизимида 23 фоиздан 11 фоизгача камайган [8]. Бу жараённи бир томондан, ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин, чунки тижорат банкларининг рискли активлари юқори ликвидли активлар ҳисобига ошиб, улар даромадлари ҳажмининг ҳам ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, банк юқори рискли активлар билан тизимли ва самарали босқич жараёнини жорий этмаса, кредитларни бериш

жараёнига аралашувлар ва босимлар бўлса, шунингдек, берилган кредитлар имтиёзли тарзда тақдим этилса, ушбу активларнинг муаммоли активга айланиш эҳтимоли ортиб кетади. Бу нафақат тижорат банкларининг муаммоли активлари ҳажми ортишига, балки банкнинг мажбуриятларини бажариш ва фойда даражасига салбий таъсир ўтказади.

Тижорат банклари муаммоли активлари улушининг ортиб бориши билан боғлиқ амалиётларда асосий ҳолатлардан бири бу – давлат иштирокидаги тижорат банкларида молиявий рискларнинг марказлашуви. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, давлат иштирокидаги тижорат банкларида 10 та кредит олган топ миждозларнинг улуши банк кредит портфелининг 36 фоизига тўғри келади, яъни банк томонидан берилган кредитларнинг 36 фоизи 10 та топ кредит олувчилар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу жараён банкларда муаммоли активлар сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда [9].

Халқаро банк тизимида ҳам бу каби муаммолар бўлиб туриши табиий ҳол, чунки бозор иқтисодиёти шароитида бозор механизмлари бир текисда бўлмайди ва бу ривожланган мамлакатлар амалиётида ҳам учраб туради. Чунки активлар таркибининг асосий қисмини ташкил этадиган кредит амалиётлари банклар фаолиятида фоиз кўринишида даромад келтирувчи асосий амалиёт бўлиши билан бир қаторда, фаолият хавфсизлигига салбий таъсир этиб, энг аввало, банк-молия тизимини ва ундан сўнг мамлакат иқтисодиётини издан чиқариб юбориши мумкин бўлган хавфли амалиёт ҳам эканлигини бенуқсон кредит механизмига эга деб ҳисобланган АҚШ банк-молия тизим субъектлари фаолиятида бошланиб, дунёдаги иқтисодиёти ривожланган деб ҳисобланган мамлакатлар иқтисодиётига ҳанузгача салбий таъсир этиб келаётган молиявий-иқтисодий инқироз натижалари ҳам кўрсатиб турибди.

Тижорат банкларида муаммоли активлар ҳажмини қисқартириш учун қилинган саъй-ҳаракатларга қарамай, муаммоли активларнинг салмоғи сезиларли даражада юқорилигича қолмоқда. Ушбу ҳолатлар муаммоли

активлар тўғрисида тезкор, ишончли маълумотларни ҳисобга олиб, уларни қисқартириш борасида илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари активларини муаммоли активларга айланишининг олдини олишда банк активларининг муаммоли активга айланиш сабаблари ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш муҳим воситалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда активларнинг муаммоли активларга айланишининг асосий сабалари қуйидагилар:

—тижорат банклари амалиётида актив операциялар билан ишловчи малакали мутахассисларнинг етарлича билим, тажриба ва кўникмаларининг талаб даражасида эмаслиги;

—банкларимизнинг қарийб барчасида муаммоли активлар билан алоҳида иш олиб борувчи бўлимнинг йўқлиги, бундай бўлим борларида эса уларнинг фаолияти бошқа бўлимлар фаолияти билан узвий мувофиқлашмаганлиги;

—ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, муаммоли активга айланган банк активларини сотиб олиб, уни соғломлаштирадиган коллектор ташкилотларининг мавжуд эмаслиги.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш учун тижорат банкларида муаммоли активларнинг вужудга келиш сабаблари ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш лозим.

Энди эса тижорат банкларида бу каби муаммоли активларнинг вужудга келишида бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирини кўриб ўтамиз.

Объектив омиллар хусусида фикр юритганда, таъкидлаш жоизки (бу хориж амалиётидан ҳам маълум бўлди), тижорат банкларида муаммоли активларнинг мавжуд бўлиши табиий жараён ва бундан қочиб бўлмайди, чунки иқтисодиёт ва реал секторда барча жараёнлар ҳар доим ҳам бир текисда кетмайди. Бунга мисол сифатида 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, 2019 йил рўй берган COVID-2019, геосиёсий зиддиятлар, ўзаро урушларни келтириш мумкин. Буларнинг барчаси тижорат банклари муаммоли активларининг вужудга келишига сабаб бўладиган объектив


омиллар ҳисобланади, уларни қайсидир жихатдан тартибга солиш ёки камайтириш тижорат банкларига боғлиқ эмас.

Тижорат банклари муаммоли активларининг вужудга келишига сабаб бўладиган субъектив омилларга тўхталадиган бўлсак, булар қаторига операцион рисклар, банк ходимларининг ўз ишига масъулиятсизлиги, банк мижозларининг, асосан кредит олувчиларнинг молиявий ҳисоботларини зарур даражада таҳлил этмаган ҳолда қарорлар қабул қилиши, тижорат банкларининг кредит бериш бўйича қарор қилиш жараёнларига аралашувлар ва босимлар, ҳаддан зиёд имтиёзли кредит берилишининг юқорилиги, қарз олувчиларнинг ушбу кредитни тегишли мақсадларда ишлатмаслиги ва қатор бошқа ҳолатлар тижорат банкларида муаммоли активларни вужудга келишининг субъектив омиллари ҳисобланади.

Тижорат банклари муаммоли активларининг вужудга келишига таъсир килувчи объектив ва субъектив омилларни юқорида атрофлича кўриб чиқдик, энди ушбу омилларни айрича ракурсада, яъни ташқи, ички, макроиктисодий ва микроиктисодий кўрсаткичлар мисолида кўриб чиқамиз.

Умуман, муаммоли активларнинг келиб чиқиши фақатгина кредит рискига боғлиқ бўлмайди. Зеро, валюта rischi, бозор rischi, фоиз ставкаларининг ўзгариши rischi ва бошқа қатор рискларнинг мавжудлиги ҳамда уларни тўғри баҳолай олмаслик муаммоли активларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади. Муаммоли активларнинг иқтисодий мазмунини тадқиқ этишда рискларнинг ўрни ва таъсири асос сифатида иштирок этади. Тижорат банкларида вужудга келадиган рискларнинг асосий қисми мамлакатдаги айрим бир тармоқдаги маҳсулотга бўлган талаб ва ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиш эҳтимоли билан узвий боғлиқдир.


Энди йиғилган маълумотларни миқдорлаштирилган ва миқдорлаштирилмаган усуллар ёрдамида таҳлил қиламиз. Тижорат банкларида муаммоли активларни камайтириш билан боғлиқ тўпланган миқдорий маълумотларни тасвирий ва инференциал статистика усулидан кенг фойдаланиб таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.



1-расм Тижорат банклари муаммоли активларининг вужудга келишига таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар

Мамлакатимиз банк тизими активларининг жадал суръатлар билан ўсиши, ўз навбатида, банкларнинг кредитлаш ва инвестицион фаоллигини таъминлаш имконини бермоқда.

Бундан ташқари банк активлари 2021 йил 1 январь ҳолатига 366 121 миллиард сўмни ташкил этган бўлиб, бу ўз навбатида, 2020 йилга нисбатан 93 394 миллиардга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич 2023 йил 1 январь ҳолатига келиб 556 746 миллиард сўмга етди. Банк активларнинг ЯИМдаги салмоғи ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу албатта, банк тизими хизматларининг ривожланиб келаётганлигига боғлиқ. Бироқ, тижорат банкларининг активлари ўсиши билан бир қаторда уларнинг муаммоли активлари ҳажми ҳам бунга мос равишда ўсиб келмоқда. Бу муаммоли активларни 90-95 фоизи тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Чунки 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра тижорат банклари активларининг 68,1 фоизни берилган кредитлар ташкил этади. Шу сабабдан ҳам муаммоли активлар улушининг асосий қисми муаммоли кредитлар улушига тўғри келади ва бу муаммоли кредитларнинг асосий қисми давлат улуши мавжуд бўлган банкларга тегишли. Бунинг сабаби сифатида давлат улуши мавжуд банклар кредит портфелининг 60 фоиздан кўпроқ қисмини имтиёзли кредитлар ташкил этишида ва имтиёзли кредитларни молиялаштиришда иштирок этаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу статистика қуйидаги маълумотларда келтирилган.



2-расм Тижоарт банклари муаммоли кредитларининг давлат улуши мавжуд банклар ва хусусий банклар кесимида тақсимланиши

Марказий банк йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган ушбу маълумотлардан кўриш мумкинки, 2021 йилда жами муаммоли кредитларнинг 89,3 фоизи давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусий банклар улуши эса 10,7 фоизни ташкил қилмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида таъминотсиз берилган ва мақсадсиз ишлатилган кредитларни келтириш мумкин. Чунки имтиёзли кредитларни беришга давлат улуши мавжуд банклар жалб қилинган ва бу банклар кредит портфелининг 60 фоиздан кўпроқ қисми имтиёли кредитлар улушига тўғри келади. Давлат улуши мавжуд банкларда 2022 йилда муаммоли кредитлар 0,5 фоизга камайганини кўриш мумкин. Хусусий банкларда эса муаммоли кредитлар улуши 2023 йил 1 январда ўтган йилга нисбатан камайиб жами муаммоли кредитлардаги улуши 9,6 фоизни ташкил қилган. Бунинг сабаби албатта, хусусий банклар активларининг тўғри йўналтираётганлиги ҳамда хусусий банклар кредит портфелида имтиёзли кредитлар жуда ҳам кам улушга эга эканлигидадир. Давлат улуши мавжуд банкларда бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 1,6 фоизга кўпайиб 90,4 фоизни ташкил қилганлигини кўриш мумкин. Бу муаммоли кредитларнинг давлат улуши мавжуд банкларда улуши кўплиги ҳисобига бу банкларнинг РОА ва РОЕ молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир ўтказмоқда. Муаммоли активлар тижорат банкларида вужудга келган тақдирда, биринчи навбатда, банклар бу муаммоли активлар бўйича захира ажратади, захиралар тижорат банкларининг фойдаси ҳисобидан шакллантирилади ҳамда тижорат банклари муаммоли активларининг рисклилиқ даражаси ҳам ортади. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг капиталини ошириш заруриятини вужудга келтиради.

1-жадвал.

Давлат улуши мавжуд банкларнинг кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар улуши юқори бўлган айрим банклар [6]

млрд сўмда

Т/р	Тижорат банкларининг номи	2020 й.	2021 й.	2022 й.
-----	---------------------------	---------	---------	---------

Жами банклар		Муаммоли кредитлар (NPL)	5 785	16 974	13 992
		Жами кредитлардаги улуши	2,1%	5,2%	3,6%
1.	Агробанк	Муаммоли кредитлар (NPL)	308	1 495	1 685
		Жами кредитлардаги улуши	1,2%	4,6%	3,8%
2.	Асака банк	Муаммоли кредитлар (NPL)	1 109	1819	1 707
		Жами кредитлардаги улуши	3,2%	4,8%	4,6%
3.	Ипотека банк	Муаммоли кредитлар (NPL)	548	972	810
		Жами кредитлардаги улуши	2,3%	3,3%	2,5%
4.	Халқ банки	Муаммоли кредитлар (NPL)	533	3 857	2 584
		Жами кредитлардаги улуши	2,8%	19,7%	11,9%
5.	Қишлоқ қурилиш банк	Муаммоли кредитлар (NPL)	210	749	790
		Жами кредитлардаги улуши	1,5%	4,3%	3,9%
6.	Микрокредитбанк	Муаммоли кредитлар (NPL)	87	642	635
		Жами кредитлардаги улуши	1,0%	5,9%	4,8%

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2020 йилда банкларнинг кредит портфели таркибида жами муаммоли кредитлар 2,1 фоизни ташкил этган ва бу кўрсаткич Асака банкда 3,2 фоизни, Микрокредитбанкда 1 фоизни ва Халқ банкида 2,8 фоизни ташкил қилган. Тижорат банкларининг муаммоли активлари 2021 йилда бир мунча қисқарганлигини кўришимиз мумкин, бунинг сабаби эса банк тизимида муаммоли кредитлар ўсишини камайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу борада етарли ишлар олиб борилаётганлигида, масалан, тижорат банклари муаммоли активларини балансдан ташқари бўлган ҳисоб рақамларга ўтказганлиги билан изоҳлаш мумкин. Жадвал маълумотларига кўра, тижорат банкларининг жами муаммоли кредитлари 2022 йилда 13 992 миллиард сўмга етган. Бу муаммоли кредитлар айрим банкларда юқориликча сақланиб қолмоқда. Масалан, Халқ банки кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар улуши 2022 йилга келиб 11,9 фоизни, Микрокредитбанкда эса 4,8 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, Марказий банк тавсиясига кўра банкларнинг кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар улуши максимум 3 фоиздан ошмаслиги керак. Давлат улуши мавжуд банкларнинг муаммоли кредитлар билан ишлаш бўйича нисбатан яхши кўрсаткичга эга бўлган банк Ипотека банкдир, уларнинг кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар улуши 2022 йилда 2,5 фоизни ташкил қилмоқда.

Тижорат банкларида муаммоли активларнинг вужудга келишида объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади. Объектив омил ишлаб чиқариш ва реализация цикли жараёнларида “Қарздор” фаолиятида узилишлар юзага келиши натижасида содир бўлса, Субъектив омил деганда, ташқи омиллар, жумладан, давлат органларининг қабул қилган ҳужжати асосида мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлиши натижасида содир бўлади.

Мамлакат ривожланаётган ҳозирги даврда кредит бериш амалиёти ҳам жадаллашиб бормоқда, бунинг натижасида берилаётган баъзи кредитларнинг банкларга қайтмаслиги оқибатида муаммоли кредитга айланмоқда ва бу, ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидлигига, даромадлилигига, банк ресурсларига таъсир ўтказмоқда.

Тижорат банклари кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар 2017 йилда 0,75 фоизни ташкил этиб, 2020 йилга келиб 3,08 фоизга етган. 2019 йилда COVID-19 пандемияси сабабли муаммоли кредитлар салмоғи кескин ошаётганлигини кузатиш мумкин.

Муаммоли кредитларни қисқартиришнинг яна бир чораси – бу олинган кафолатлар ва кафиликлар бўйича тўловларни ундириш, гаровга олинган мол-мулкни сотиш ҳисобига уларни қоплаш ҳисобланади. Гаровга олинган мол-мулкни банк балансига кирим қилиш бевосита кредит қўмитасининг қарори асосида амалга оширилиши керак.

Тижорат банкларидан олинган кредитлар бўйича унинг асосий суммаси ва унга ҳисобланган ойлик тўловларни тўлаш билан боғлиқ муаммолар вужудга келади ҳамда бу банкларда муаммоли активлар вужудга келишига сабаб бўлади. Хусусан,

–аҳолининг иш жойларини йўқотиши хавфи билан боғлиқ риск;

–жисмоний шахсларнинг йиллик даромад ҳажмини нисбатан паст даражадаги эканлиги;

–тижорат банкларида муддатли депозитлар ва аҳоли жамғармалари ҳисобидан шакллантириладиган молиявий маблағлар ҳажмининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз тижорат банкларида активлар билан боғлиқ икки турдаги – махсус ва умумий захиралар шакллантирилади.

Махсус заҳира – "субстандарт", "қониқарсиз", "шубҳали" ва "умидсиз" деб таснифланган кредитлар ва лизинг ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳирадир.

Умумий заҳира – бу заҳира банк фаолияти бўйича умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш ва б.) бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира бўлиб, бунда алоҳида муайян операцияларга доир зарарлар бундан мустасно. "Стандарт" кредитлар бўйича йўқотишларга қарши ёки миллий валюта девальвацияси бўйича заҳиралар бунга мисол бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дудинец Л.А. Теоретические подходы к определению сущности проблемных активов банка. <http://ojs.polessu.by/EB/article/view/398>
2. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. 4-е изд., стереотип. – Москва: КНОРУС, 2008. – С. 36-37
3. Тўхтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун автореферати. – Тошкент, 2006. – 14 б.
4. DARP-Creating DistressedAssets Markets International Finance Corporation. First printing, June 2019. Second printing of updated edition, October 2019. Washington.
5. www.ifc.org <https://data.worldbank.org/indicator/FB.AST.NPER.ZS>
6. Cbu.uz Марказий банк сайти маълумотлари
7. Cbu.uz Марказий банк сайти маълумотлари
8. <https://kun.uz/news/2020/05/13/bank-sektorining-asosiy-muammolari-malum-qilindi>

9. <https://kun.uz/news/2020/05/13/bank-sektorining-asosiy-muammolari-malum-qilindi>